АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН 7-бет

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 231 (10.034) / 2003 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ

## БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

***Бухорода улуғ аллома Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди***



Ўтган ўн икки йилнинг ҳар бир куни эсда қоларли. Биз бу кунларни узоқ кутдик. Изтироблар оралаб, узоқ йўл юриб етганмиз бу кунларга. Ризонинг боши сабр экан. Истиқлол сабримизни саодатга улади. Шу боис нафақат биз хурсандмиз, айни чоқда истиқлолни орзу қилган боболаримизнинг руҳи ҳам шод.

Юртбошимизнинг миллат ўтмишига юксак эҳтироми, келажагига қатъий ишонч сабаб ўтган 12 йилда тилимиз, асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, динимиз қайта тикланди. Муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Айниқса, буюк боболаримиз ҳаётига, уларнинг инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутган ижодий меросига катта эътибор қаратилмоқда. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларимизнинг тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонганидан далолатдир.

...Ўтган йилнинг октябрь ойида Президент Ислом Каримов Бухорога ташрифи чоғида Ғиждувон шаҳрида ҳам бўлиб, Ғиждувоний қадамжоларини зиёрат қилди. Орадан кўп ўтмай, 2002 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизда, айниқса, Бухорода қутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Ғиждувоний ҳазратлари илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотларга имконият яратди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди.

Нақшбанд ва Ғиждувоний мақбара-мажмуалари атрофида улкан боғ барпо этилди. Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси қайта таъмирланди. Бу ишларни бажаришда Хоразм, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларидан келган қўли гул усталар фаол қатнашди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари одамларни поклик, тўғрилик, ҳалолликка бошлаган. Ўз шогирдлари учун одоб-ахлоққа оид бир нечта қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Унинг бизгача етиб келган «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи тариқат», «Васиятнома», «Маслак ал-орифин», «Мақсад ас-соликин», «Мақомоти Хожа Юсуфи Ҳамадоний» каби китобларида илму одоб, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дин ва дунёвий муносабатлар тўғрисида фикр юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун 27 ноябрь куни Бухорога келди. Юртбошимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуи атрофида амалга оширилган ишлар билан танишди. Ғиждувоний ва Нақшбанд мақбара-мажмуалари — зиёратгоҳ хиёбонлари янада чирой очган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналар Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуида бўлди. Бу ерга вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар ташриф буюрган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этди.

Улуғ боболарига ва уларнинг ўлмас меросига улкан эътибор қаратган, авлодларни аждодларга муносиб этиб тарбиялайдиган миллатнинг умри боқийдир. Президентимиз мустақиллик йилларида, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбара-мажмуаларида кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган, тарихий ёдгорликларимизга қайта жило берган, янги-янги бинолар ва иншоотлар барпо этган моҳир қурувчи ва усталарга, муҳандис ва меъморларга, мана шу савобли ишларга ўз улушини қўшган барча инсонларга миннатдорлик изҳор этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби улуғвор ишлар, тўй-маъракалар юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, озод ва обод Ватан, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги фидойи меҳнати, эртанги кунга ишончидан яна бир далолатдир.

Тадбирда Муҳиддин бобо Боқиев сўзга чиқиб, буюк аждодларимиз руҳини шод этмоқ, уларнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштирмоқ энг савобли ишлардан бири эканини таъкидлади. Бу улуғвор ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ғиждувон шаҳридаги беш юз ўринли спорт саройининг очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу спорт мажмуида ёшлар спортнинг саккиз тури билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбирлари**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Польша томони ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Польша Республикаси Президенти А.Квасьневский ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Суҳбат Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига хос самимий руҳда ўтди.**

**• Росзарубежцентрнинг республикамиздаги ваколатхонасида Бутунжаҳон ахборот кунига бағишлаб ўтказилган учрашувда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.**

**• Оролбўйида Бутунжаҳон банки, ЮНИСЕФ, ЮСАИД каби нуфузли хорижий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши остида «Саломатлик» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён касалхоналарга 732 миллион 845 минг сўмлик дори-дармонлар ва 17 та электрон аппаратлар етказиб берилди.**

**• Бугун мамлакатимизда учинчи бор ўтказилаётган «Ўзбекистон-Жанубий Корея дўстлик кечалари» туркуми очилди. Унда икки мамлакат санъат усталари концертларда биргаликда иштирок этадилар.**

### Жаҳонда

**• Грузия парламенти Зураб Жвания номзодини давлат министри лавозимига тавсия қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу лавозим соҳиби мамлакатда президентдан кейинги иккинчи шахс ҳисобланади.**

**• Австралия паспорт-виза хизмати мамлакат ҳудудида янги намунадаги паспортларни жорий этди. Уларни қалбакилаштиришдан муҳофаза қилиш мақсадида ҳужжатларга мамлакат тимсоли — кенгурунинг голографик тасвири туширилган.**

**• Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида илк халқаро автосалон очилди. Автомобилларнинг мазкур йирик халқаро кўргазмасида Япония, Германия, Италия, АҚШ, Франция, Корея Республикасининг жаҳонга машҳур корпорациялари, шунингдек, Хитойнинг етакчи автомобиль корхоналари иштирок этмоқда.**

**• Бағдодда фаолият кўрсатаётган Италия элчихонасига ракета ҳужуми уюштирилди. Тарқатилган расмий маълумотларга кўра, ушбу террорчилик ҳаракатидан ҳеч ким жабрланмаган.**

**• Конгода йўловчи ташишга мўлжалланган икки паромнинг ўзаро тўқнашуви натижасида 150 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, 1000 нафардан кўпроғи бедарак йўқолган.**

**• Москвадаги Манеж майдони Европадаги энг қиммат 10 та кўча рўйхатига кирди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Икки тараф ўртасида тузилган шартнома бўйича даъво қилиш мумкинми?**

**Д.Халилов, ишчи.**

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган шартноманинг бу шаклига риоя этмаслик уни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келмасада, бу бўйича низо келиб чиққан тақдирда гувоҳларнинг кўрсатмаси билан низо юзасидан даъволашиш мумкин эмас (шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг вакили қарз берувчи билан ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсири остида тузилган ҳоллар бундан мустасно). Бунда тарафлар битимнинг тузилганлигини, унинг мазмуни ёки бажарилганлигини бошқа далиллар билан тасдиқлашга ҳақли бўлади.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашув жараёнида пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан олмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

* * *

**Уйни, квартирани сотиш шартномаси низога сабаб бўлган тақдирда кўпроқ нималарни назарда тутиш керак?**

**М.Низомутдинова, шифокор.**

Уйни, квартирани сотиш шартномаси, шунингдек, квартирани, уйни ҳадя қилиш, айирбошлаш шартномалари қуйидагилардан бири, хусусан:

— квартира, уй мулкдорининг ўзи томонидан;

— мулкдорнинг оила аъзоси бўлган манфаатдор шахс томонидан;

— даъволашилаётган шартнома қаратилган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан;

— даъволашилаётган топшириш шартномаси билан ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган шахс томонидан суд тартибида даъволашилади.

Даъво аризасига турар жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи барча ҳужжатлар, бошқа шахсга топшириш тўғрисидаги даъволашилаётган шартнома ва бойликнинг ҳақиқий эмаслигини асословчи бор далиллар илова қилинади.

Кўчмас мулкка доир битим суд томонидан Фуқаролик кодексининг 113-128-моддаларида белгиланган қоидаларга биноан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

*Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда*

# БОШ ҚОМУСИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг умуминсоний ва миллий қадриятлари билан боғлиқ жиҳатларини, шарт-шароитларини мушоҳада қилиш долзарб масаладир.**

«Демократик жараёнлар, — деб таъкидлаганди Юртбошимиз, — халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Демократиянинг бизда бугунги давр муаммо ва масалаларини ҳал этишнинг энг оқил йўл эканлигини эътироф этиб ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишга қарши равишда муносабатлар илмини эгаллаш — демакки, демократия тамойиллари асосида иш юритиш йўли танлаб олинди».

Бундай тамойил Конституциямизнинг 11-моддасида қайд этилганидек, давлат ҳокимияти ваколатларининг уч тармоққа: яъни — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинганлигида намоён бўлади.

Ривожланган давлатлар мисолида ҳам бундай тамойилга асосланиб давлат бошқарувининг ташкил этилиши ўз ижобий самарасини бериб келмоқдаки, бу бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам ўз натижаларини бера бошлади.

Ҳокимиятнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгаши шаклида ўз аксини топган вакиллик органлари институтининг ривожи давлат бошқаруви тизими тараққиётида демократлашувнинг узвийлик кўринишларидан бири ҳисобланади. Шулардан биринчиси, яъни Олий Мажлис, ҳатто, ўз номланишига кўра, тарихий узоқ даврларга бориб тақалувчи миллий-анъанавий қурилмалар моҳиятига мос келади. Олий Мажлис олдинги Олий Кенгашдан тубдан фарқ қилади. Президентимиз ўзининг «Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари» деб номланган маърузасида улар орасидаги тузилмавий, вазифавий ва бошқа фарқларни, шунингдек, шаклланишидаги ижтимоий хусусиятларни очиб берди. Масалан, Олий Кенгаш ижтимоий-синфий ёндашув асосида ҳамда ишчилар, зиёлилар, ёшлар, аёллар каби тоифалар сонига нисбатан белгиланган квоталар асосида сайланар эди. Олий Мажлисга сайловларда депутатликка номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, балки уларнинг авваламбор, ишбилармонлиги ва маънавий, ахлоқий сифатларига ҳамда ижтимоий дастурига бўлган эътибор асосий ўрин эгаллайди.

Кейинги босқичларда эса вакиллик органи Олий Мажлис бўлиб қолсада, лекин унинг янги тартиби ташкил топади. Гап шундаки, халқимиз учун энг мақбул бўлган қонунлар қабул қилиш, уларни ишлаб чиқиш шунчаки, оддий жараён бўлмасдан, балки қонунчилик бир қанча босқичларни ўзида акс эттирган жараёндир. Бундай жараёнда бир ҳокимият томонидан иккинчи ҳокимиятга тазйиқ ўтказмаслик, ўз-ўзини тийиб туриш каби ҳолатларга амал қилинади.

Эндиги 2004 йилда ўтказиладиган сайловлар икки палатали парламент сайловлари бўлар экан, бу палаталарнинг қонунчиликда тутган ўрни, вазифаси, ваколатлари қонун билан белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон парламенти, Олий Мажлис деб юритилиши билан бирга, унинг икки палатаси: яъни қонун чиқарувчи органи — қуйи палата, юқори палатаси — Сенат ташкил топади.

Ҳар бир палатанинг ваколат муддати — беш йил бўлиб, қонунлар қонунчилик палатасида кўриб чиқилади ва сўнгра Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Бундай жараёнларнинг асосий мақсади Конституциямизда илгари сурилган инсон ҳуқуқлари, эркинликларини, давлат бошқаруви масалаларини ривожланган ҳамда демократик тамойилларга асосланган давлатлар тажрибасига етказиш, ўзбек халқи учун самарали қонунлар яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Конституциясининг бош тамойили сифатида инсон ҳуқуқларининг кафолатланганини кўрар эканмиз, Асосий Қонунимиз халқимизнинг бош Қомуси эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Биринчидан, Конституциянинг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгиланган. Демак, Конституцияда ҳар бир фуқаронинг яшаш ҳуқуқлари, унинг қонун билан ҳимоя қилиниши кўрсатилган. Шу билан бирга, Бош Қомусимизнинг 25-моддасида «Ҳар ким эркин ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга» деб таъкидланар экан, унинг иккинчи қисмида «Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»лиги қайд этилган.

Бундай инсон ҳуқуқларининг Конституция билан кафолатланиши — халқимизнинг энг катта ютуғидир.

Сабаби, инсон қаерда яшамасин, у адолат тарафдори. У ҳар қандай қийинчиликни енга олади, чидай олади, лекин, адолатсизликка чидай олмайди.

Шунинг учун ҳам, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги Конституциямизнинг 32-моддасида, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларини қонунга мувофиқ ташкил этиш ҳуқуқи 56-моддасида, шунингдек сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари қайд этилган.

Фуқароларимиз Конституцияда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур ўргансалар, бу бош Қомусимизни кўз қорачиғидек асрайди. Сабаби, айнан ҳар бир фуқаронинг мулки, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, бу мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, илм олиш, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларининг барчаси Конституциямизда кафолатланган.

Зеро, бундай конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни билиш, ҳуқуқ билан бирга бурчларимизни ҳам унутмаслик, уларни адо этишлилик келажаги буюк давлатнинг фуқароларига хос фазилатдир.

**Феруза МУҲИДДИНОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.**

*Демократия мактаби*

# МАҲАЛЛАМ ЖОНИМГА МАЛҲАМ

**Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласи шаҳримиздаги нисбатан ёш маҳаллалар сирасига киради. Маҳалладаги турар-жой уйлари, бошқа иншоотлар кейинги ўн йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида тиклана бошлаган. Бу хайрли иш айни кунларда ҳам давом этаётир.**

Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос тамойилларидан бири халқимизнинг тарихий анъаналарига таяниб иш кўрилаётгани билан изоҳланади. Мамлакатимизда жамиятимизнинг ишончли таянчи сифатида маҳалла тизимига, яъни аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида эътибор берилаётир. Бу борада маҳаллалар ҳам аҳолининг кундалик талаб-эҳтиёжларини қондириш, хайрли ишларни амалга оширишда камарбаста бўлиб келаётир. Айниқса кейинги йилларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими эса маҳаллаларни оқилона бошқариш учун энг муносиб кишилар орасидан оқсоқолларни сайлашдир. Бу борада шу кунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилаётган сайловларнинг ўрни каттадир.

Куни кеча «Мажнунтол» маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Юздан ортиқ вакиллар, қўшни маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этган ушбу сайлов кўтаринки руҳ ва ошкора тарзда бўлиб ўтди. Шу ўринда маҳалла оқсоқоли Элбек Ғойибназаров ҳақида маҳаллодошлар фикрини келтириб ўтишни лозим топдик.

Маҳалла оқсоқоли маҳалла аҳлининг ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган инсон. Меҳнаткашлиги, жонкуярлиги, энг муҳими ташкилотчилик қобилияти билан қисқа фурсат ичида маҳалла аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозона олди. Маҳаллодошлар ниҳоят ўзини ўзи бошқариш органига ишонч билан турли масалалар хусусида мурожаат қилишга одатландилар. Уларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолмаётгани эса маҳалла ободлигига, маҳаллодошларнинг ҳамжиҳатлиги, бир ёқадан бош чиқариб саъй-ҳаракатлар қилишига мустаҳкам замин ҳозирлаётир. Хусусан, Обод маҳалла йилида маҳалладаги «Оҳангарон» шоҳкўчасида янги барпо этилган қатор хонадонлар газлаштирилди. Айни шу кўчадаги хонадонларни қисман тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар ҳозирги пайтда тез суръатлар билан олиб борилаётир. Қолаверса, маҳалладаги кўчаларнинг асфальтланганни ҳам ҳаммани мамнун этди. Мана шундай хайрли ишлар қаторида кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кишиларга мунтазам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётганини ҳам қўшимча қилиш ўринлидир. Айниқса қарияларга нафақаларининг уйларига келтириб берилишининг йўлга қўйилиши ҳам маҳалла аҳли Элбек акага ишонч билдириб, янглишмаганлигининг яна битта тасдиғи бўлди.

Бўлиб ўтган ҳисобот-йиғилишида маҳалла оқсоқоли Элбек Ғойибназаровнинг 2,5 йил мобайнида амалга оширилган ишлар хусусидаги ҳисоботи тингланди.

— Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган мақол бежиз айтилмаган, — деди жумладан ўз ҳисоботида оқсоқолнинг ўзи. — Ҳамжиҳатлик, мулоҳазакорлик билан қилинган ишнинг натижаси ҳам баракали бўлади. Ҳар бир даврнинг, қолаверса ҳар бир куннинг ўзига хос муҳим вазифалари бўлиши табиий ҳол. Ана шундай вазифалар, масалаларни ҳал қилишда маҳалла фаоллари Шокир Одилов, Мўмина Қосимова, Абдурашид Қурбонов, Жаҳонгир Полвонов, Гимазий Нур, Валерий Шубадеровлар яқиндан ёрдам бермоқда.

«Мажнунтол» маҳалламиз муаззам пойтахтимизнинг жанубий-шарқий дарвозаси ҳисобланади. Унда ўндан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ турмуш кечирмоқдалар. Маҳалламизни қайсидир маънода мустақил Ватанимиз билан тенгдош дея оламиз. Шу жиҳатдан олганда бизнинг «Мажнунтол» маҳалласи ҳам мустақил юртимиз билан қадам-бақадам равнақ топиб, ўз қаддини ростлаб бораётгани айниқса қувонарлидир.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Иккала ҳисобот юзасидан сўзга чиққан маҳалла фаоллари эришилаётган ютуқлар қанчалик кишини қувонтирса, ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарлича эканлиги ҳақидаги фикрларни билдирдилар.

Йиғилганларнинг очиқ ва ошкора тарзда берган овозаларига кўра маҳалла оқсоқоли Элбек Ғойибназаровнинг ўз иш фаолиятини яна давом эттиришига ишонч билдирилди. Шундан сўнг ғайратли, ёш фаоллардан иборат оқсоқолнинг маслаҳатчилари ва тафтиш комиссияси ҳам халқнинг хоҳиш-истагига мувофиқ сайланди.

Халқ ишончига сазовор бўлган вакиллар бир овоздан маҳалла, эл-юрт ободлигига ҳисса қўшишга ҳаракат қилишлари ҳақида ўз маҳаллодошларига сўз бердилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутула олмайсан.

● Сўраб суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, қўрқоқ, алдамчи дўстдан душман афзал.

● Суқрот ҳаким айтади:

— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши мадҳ — сано биландир.

● Араб фозилларидан Асмаий айтади:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. У бир киши сиғарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:

— Икки душман бутун бир ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

ҚИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлворибди:

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, серғўшт, мен эса бир кичик озғин нотавон махлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб еяман.

Шер ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ҲИССА: Дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, гаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:

**Кимки дўстликни хор айлабди, уни —**
**Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.**

● Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улуғликдан узоқдир.

● Худбинлик ҳар бир гуноҳдан кўра оғирроқдир. Худбин киши ҳеч қачон улуғлик даражасига етолмайди. Ойни қара — жамолини кўрсатур, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоҳга қулаб кўринмай кетади.

Байт:

**Илм қидирсанг улуғ бўларсан,**
**Ҳаёт фаровон, нурга тўларсан.**

ҲИКМАТ: Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва қипқизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банди қилинган.

ҲИКОЯТ: Бир куни дарахт билан унинг сояси борасида баҳс пайдо бўлди. Дарахт сояга деди:

— Эй қора юзли соя, жигар бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Демак, шундай экан, манманлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

*Буюк алломаларимиз*

## ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНГАН НАШР

**Буюк ватандошимиз, тасаввуф илмининг султони Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудига тўққиз юз йил тўлди. Шуни айтиш кераки, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи маълумотлар мавжуд бўлган асарлар қўлёзмалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Улар орасида улуғ шайхнинг ўз қаламига мансуб баъзи рисолалар ҳам бор.**

Мазкур асарларни кўздан кечирганда уларнинг муайян қисми ривоятлардан иборат эканлиги аён бўлади. Тўққиз аср мобайнида Абулхолиқ Ғиждувоний фаолиятига оид баъзи манбалар йўқолиб кетган бўлиши (масалан мўғуллар босқини оқибатида) ёки бизга етиб келгунича турли ўзгаришларга учраган бўлиши табиийдир. Аммо турли тазкира ва маноқибларда айни мавзуга оид маълумотлар тадқиқ ва таржима қилиб, илмий жамоатчилик ва аждодларимиз меросига қизиққан кенг китобхонлар оммасига етказиб, келгуси тадқиқотлар учун замин ҳозирлаш шарқшунос-манбашунос олимлар олдида турган муҳим вазифалардандир.

Шу жиҳатдан таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди Маҳмуд Ҳасанийнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» китоби қутлуғ сана учун ажойиб туҳфа бўлди. Нашрнинг масъул муҳаррири академик М.Хайруллаев томонидан сўзбоши ёзилган ушбу китоб уч қисмдан иборат. Биринчи қисмдан алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мақола (М.Раззоқова билан ҳаммуаллифликда ёзилган) ўрин олган. Иккинчи қисмда эса тасаввуфга оид баъзи асарлардаги Хожа Абдулхолиқ ҳаёти ва ва таълимотига оид маълумотлар берилган. Учинчи қисмда улуғ шайхнинг ўзи тасниф қилган асарлардан баъзи намуналар китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Китоб охирида тушунилиши қийин сўз ва истилоҳларнинг изоҳлари илова қилинган.

Муаллифлар Ғиждувоний таълимотининг унинг издошлари томонидан ривожлантирилишига тўхталиб, XIX асрда буюк шайх Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тарафидан яна учта қоида ишлаб чиқилиб, улар сони 11 тага етганини кўрсатиб беришган. Ушбу қоидалар асрлар давомида Хожагон-Нақшбандия тариқатининг мустаҳкам ғоявий-назарий асоси бўлиб келди.

Шунингдек, ушбу китобда Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз устози шайх Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ва халқ оммасига ўрнак бўлган юксак инсоний хислатлари ҳақида, жумладан, шундай деб ёзади: «Шайхимиз... этик тикар ва деҳқончилик қилар эдилар. Худойи таоло нимаики берса, камбағаллар, бевалар, етимлар, мусофирлар, беморлар, болачақаси кўп кишиларга улашардилар. Умрлари давомида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамас эдилар. Дунё иморатига машғул бўлмас эдилар. Бордию бошқа киши машғул бўлса, уни бундан қайтарар эдилар».

Шунингдек, асарда келтирилган Юсуф Ҳамадоний шахсияти ҳақида қуйидаги фикрлар ғоятда аҳамиятлидир:

«Овозлари ёқимли, бўйлари ўртача, муборак бармоқлари узун эди... Муборак юзларида чечакдан қолган доғлар бор эди. Қизил юзли, узун соқолли бўлиб, баданлари ўта озғин эди. Кўпинча ёғоч ковуш кийиб юрардилар. Умрлари давомида оёқларини узатиб ўтирмаган эдилар... Турк тилини билмас эдилар. Кимни кўрсалар «хожа» деб мурожаат қилар эдилар».

Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги бу сўзларни, албатта, уни яқиндан билган кишигина ёза олади.

«Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» асари асосан тасаввуф назариясига оид бўлиб, ундан таржима қилиб келтирилган парчалар тавба, иродат, мурид, шайх, зикр, дарвеш одоби, зуҳд, тақво, сабр, ризо, муҳаббат, шукр, таваккул каби тасаввуфий истилоҳлар ҳақида Ғиждувоний билдирган фикр-мулоҳазалардан иборатдир.

Хулоса қиладиган бўлсақ, чиройли муқова ва яхши қоғозда чоп этилган «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» китоби улуғ аждодимиз хотирасига алоҳида эҳтиром кўрсатилаётган бу кунларда ўз ўқувчиларини тезда топиб олади, деб умид қиламиз.

**Ғулом КАРИМ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### АСАБГА ТЕГАЁТГАН «ПАҚИЛДОҚЛАР»

Қарияларимиз кўпинча дуога қўл очганларида «Илоҳим юртимиз тинч бўлсин» дея ният қилишади. Ҳақиқатан юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Кундузларимиз ҳам, кечаларимиз ҳам осуда. Илоҳим кўз тегмасин. Лекин айни кунларда айрим шўх болакайларнинг «пақилдоқ»ларни пақиллатиши кўпчиликнинг асабига тегмоқда. Кўп қаватли уйимиз орқасида ўспирин болалар йиғилишиб ҳар куни «пақилдоқ» пақиллатадиган одат чиқаришган. Нафақат улар, балки ён-атрофимизда бошқа болалар ҳам шу ўйинчоқ «пақилдоқ»қа қизиқиб қолишган. Уларга неча бор танбеҳ берган билан фойдаси бўлмаяпти. Гоҳида кетма-кет пақиллаган овоздан чўчиб кетади киши. Бу ногаҳон пақиллаган овоздан кўпчилик безиллаб қолгани аниқ. Бир куни кўчадаги шовқинни эшитиб чиқдим, уйимиз орқа томонидаги гаражлар олдида тумонат одам йиғилган. Ўт ўчирувчилар ёнма-ён гараждан бурқсиб чиқаётган тутун томон сув сепишарди. Улар гаражларнинг эшигини бузиб ичидан ёниб кетишига оз қолган «ГАЗ-24» автомашинасини асраб қолишди.

Ёнғин нима сабабдан чиққанлиги аён бўлди. Қўшниларнинг айтишича, болалар гугурт чақиб «пақилдоқ»ларни ёқиб гараж олдида қуриб ётган хазонлар устига отишган. Натижада ёнғин чиқиб, гаражга ўтган. Яхшиямки ўт ўчирувчилар вақтида етиб келишган. Акс ҳолда ёнма-ён турган гаражлар ичидаги машиналар ҳолига «вой» бўларди. Ўша куни бу воқеани кўриб ёнимизда турган уруш қатнашчиси бўлган отахон айниқса қаттиқ асабийлашди.

— Шу пақиллатишлар жонга тегиб кетди-да. Кундан кунга авжига чиқаяпти, ҳеч ким чора кўрмайди-я.Бу ёшлар нимага ҳавас қилишяпти, ўзи, бунинг асл маъносини тушунишармиди! Ҳар куни «пақилдоқ»лар овозидан чўчиб кетаман. Кўз олдимга даҳшатли уруш йиллари келади. Отишмалар, портлашлар овози янграгандай бўлиб туюлади. Ҳа, тинчлигимиз қадрига етмаётган айрим ёшларнинг, бозорларда уларни хуфя тарзда пуллаб ҳамёнини қаппайтиришни ўйлаётган кимсаларнинг наҳотки танобини тортиб қўйиш қийин бўлса! Ахир одамларнинг оромини бузиб, асабига тегаётган «пақилдоқ»лар овози қачонгача давом этади? Маҳалла посбонлари ўз ҳудудларини айланиб, бундай ҳолнинг олдини олишса айни муддао бўларди-да.

### НОЎРИН ТАНБЕҲ

Эрталаб ишга отланиб, одам тирбанд автобусга аранг илиндим. Ичкарига зўрға сурилиб ўриндиқда ўтирган чамаси 19-20 ёшлардаги қизнинг тепасида туриб қолдим. Бир-икки бекатдан сўнг автобусга бир қария чиқиб қолди. У ўтирганларга разм солиб, жой излади. Баъзилар дув этиб ҳалиги қизга нигоҳларини қадашди. «Жой бермайсанми», дегандек қайта-қайта унга хўмрайиб қарашарди. Қиз бечора буни сезиб юзлари қизариб, ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Шу пайт йўловчилардан бири гап қотди:

— Ҳозирги ёшлар жуда «без» бўлиб кетишган-да, қари одамни кўрса ҳам кўрмасликка олиб ўтираверишади.

— Яна рўмол ўраб олганига ўласизми? — гапга қўшилди олифтанамо бир аёл. Биров у деди, биров бу. Хуллас, автобусдагиларга гап топилди. Қиз автобус ойнасидан кўча томонга қараб борар, яхшироқ эътибор билан қаралса унинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Автобусда бироз одам камайди. Шу пайт автобуснинг орқа томонида ўтирган киши бояги қизнинг олдига келди ва қўли билан алланималарни ишора қилиб соқовча тушунтирди. Қиз кўзларини артиб, бошини билан ҳўп ишорасини қилди. Бояги киши унинг кўзлари қизаргани, йиғлаганини сезиб, хавотирланиб ишора билан сўради. Қиз эса жавоб бермай, унга жавобан чуқур хўрсинди. Қиз ўрнидан турмоқчи бўлганди ёнидаги одам (отаси бўлса керак) унга қўлтиқтаёқ тутқазди. Қиз қўлтиқтаёқни бир қўли тагига тираб зўрға юриб автобусдан тушиб қолди. Автобусдаги одамлар эса ҳайрат ва ачиниш билан қизнинг ортидан кузатиб қарашар, ноўрин танбеҳлари, ўйламай гапирган гаплари учун изза бўлиб қолишганди. Маълум бўлишича, қиз соқов, лекин қулоғи эшитар экан.

Ҳа, халқимиз бежиз «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», дея айтмайди.

### БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Мендан тепа қаватда истиқомат қиладиган қўшнимнинг учта ёш фарзанди бор. Кўпинча ваннахонасидаги сувнинг оқиб тургани эшитилади. Ҳа, ёш болали, тез-тез кир ювса керак-да, деб ўйлардим. Эътибор қилсам, сув тўхтовсиз оқиб ётибди. Ниҳоят сабрим тугаб бир куни қўшнимнинг уйига чиқдим.

— Бу, қўшнижон, ваннахонангиздаги сув тўхтовсиз оқиб ётибди шекилли. Кўп кир ювасиз деб ўйлардим, кечаси ҳам тўхтамай оқиб ётибдику. Бекорга сувни оқизиб қўйиш яхши эмас, ахир сув исроф бўляпти, ўйламайсизми? Жўмраги бузилган бўлса тузаттириш лозим.

— Вой, хавотир олмай қўя қолинг. Сизга нима, ё сизникида сув камайиб қоляптими. Сувнинг таги сероб, ғам еманг. Сув бурайдиган жўмрак бузилиб қолган. Дадасининг вақти бўлмаяпти. Тузатиб берарлар, сизга оғирлиги тушяптими?!

— Сувга ҳам пул тўлаймизку ахир. Сув ҳисоблагич ўрнатилганда, питирлаб қолардингиз. Мен бирор фалокат бўлмасин, деб хавотирланяпман, қўшни, — дедим жаҳлим чиқиб.

— Э, нафасингизни иссиқ қилинг, намунча ваҳима қиласиз. Орадан бир ҳафталар ўтгач ўша фалокат рўй берди. Бир куни қўшним кирларини ювиб чайиш учун ваннага солиб, ўзи эшигини қулфлаб бозорга кетибди. Алламаҳалда бозордан қайтиб келса, ваннасидаги кийимлар сув йўлини тўсиб, сув тўхтамай оқиб ётгани учун тўлиб-тошиб, уйларигача жилдираб кирган. Энг ёмони бизнинг уйимиз деворларидан ҳам оқиб, деворга ёпиштирилган гулқоғозларни кўчириб юборган эди.

Қўшнимнинг бепарволиги охир-оқибат ўзига ҳам, бошқаларга ҳам қимматга тушди.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ*

## ДИЛЛАРГА МЕҲР БИЛАН

**Дуч келган одамдан сўрасангиз албатта «Филлар Ҳиндистонда кўп бўлади» деб жавоб беради. Лекин бугун ҳиндистонликларнинг ўзи еввойи филларни сони йўқ бўлиб кетиш даражасига тушиб қолганидан ташвишда.**

Жаҳон табиат жамғармасининг берган хабарига қараганда бутун Ҳиндистон бўйича 24 минг фил қолибди, холос. Бу Осиё қитъасида мавжуд бўлган тўрт оёқли баҳайбатларнинг ярми деган сўз. Хўш филларнинг бунчалар тез қирилиб кетишига нима сабаб? Биринчи навбатда одамлар деб айтсак тўғри бўлади. Яшаш учун яна ерлар очиш, ўрмон манзараларини қирқиш барчага тушунарли гап.

Бундай ҳалокатларда филлар билан рўбарў келиб қолиш ҳеч гап эмас. Иккинчидан филнинг қимматбаҳо суяклари учун ов қиладиган браконьерларнинг нафси жуда ҳалак отиб кетмоқда. Ҳиндистон табиатни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари бу ўлканинг фахри бўлмиш филларнинг тақдиридан ниҳоятда безовта бўлмоқдалар. Охир-оқибатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги миллий «Фил» деб аталган лойиҳани ишлаб чиқди. Лойиҳага кўра филлар эркин яшаши учун табиий шарт-шароитлар муҳаё қилинган 11 та махсуслаштирилган қўриқхона бунёд этилди.

Булардан ташқари Ҳиндистонда яшовчи барча аҳолининг онгига филлар ҳимояси умуммиллий аҳамиятга эга эканлигини сингдириш борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, филларга, умуман жонзотларга меҳр-муҳаббат кўзи билан қараш яқин келажакда ҳар бир ҳиндистонликнинг одатий иши бўлиб қолса керак.

*Атроф-муҳит мусаффо бўлсин*

## ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШ — КОНИ ЗАРАР

**Маълумки, куз фаслида хазонрезгилик мавсуми бошланиб шаҳар аҳолиси яна бир муаммога дуч келди. У ҳам бўлса тўкилган барглар ва кесилган шох-шаббаларнинг кўчаларда, маҳаллаларда, мавзеларда, истироҳат боғларида, хиёбонларда, қабристонларда ёқиб юборилаётганлигидир.**

Эътибор берадиган бўлсак, болалар шўхлик қилиб баргларни ёқишса, катталар ахлат уюмидан қутулиш учун, фаррошлар эса йиғилган хазонларни ҳудуднинг тозалигини таъминлаш учун ёқмоқдалар. Бунинг қанчалик хавфли эканлигини бир таҳлил қилиб кўрайлик. Хазонлар уюмининг ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосига ис гази, углерод оксиди ажралиб чиқиб, нафас сиқишига ва сурункали аллергик касалликларнинг хуружларига сабаб бўлади. Ёқиб юборилган барг-хазонларнинг заҳарли моддаларга тўйинган тутуни ўпка орқали қонга сўрилиб, бутун организмга салбий таъсир қилади. Аллергик касалликлар ва нафас сиқиши билан хасталанган беморлар бу заҳарли тутунлардан қанчалик азият чекаётганликларини хазонларни ёқиб юбораётган одамлар уларнинг ўрниларига ўзларини қўйиб кўришса билар эдилар. Тутун таркибидан саратон (рак) касаллигини қўзғатувчи канцероген моддалар ҳам ажралиб чиқади. Ёнганда ҳосил бўладиган қурум ва тутунлар нафақат одам организмига, балки ёниш жараёнида ернинг унумдор қатламига ҳам салбий таъсир қилади.

Хазон уюмларининг ёқилиши натижасида осмонга ўрлаётган заҳарли тутунлар экологиямизга қанчалик салбий таъсир қилишини кўпчилик англаб етмаса керак. Саноат корхоналаридан, автомобиллардан таралаётган заҳарли тутунлар атмосфера ҳавосини заҳарлаш каммиди? Илгарилари тўпланган хазон уюмлари умуман ёқилмаган, сабаби ҳар бир хонадонда баргларни кўмиш учун махсус ўралар бўлган ва хазонлар чириб ер унумдорлигини оширган. Мана бир неча йиллардан бери хазонлар ва шох-шаббаларни йиғиш ҳамда компостлаш учун ҳар бир туманда бир нечтадан хандақлар ташкил қилинган. Тўпланган барглар ва хазонлар ушбу хандақларга ташланса ва компостланса айни муддао бўлар эди.

Ахир осмонимиз мусаффолиги, атрофимиз гўзаллиги, заминимиз унумдорлиги келажак авлодларимиз учун биздан қолувчи мерос-ку. Уни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Ж.МИРЗАМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг коммунал гигиена бўлинмаси санитария врачи.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*1-7 декабрь*



**Қўй (21 март — 20 апрель)** — Ушбу ҳафта мўлжаллаган ишларингизни кейинга қолдирмай ўз вақтида бажаришга киришинг. Топган маблағингизни кераксиз нарсаларга сарфламанг. Негаки яқин кунларда оилангизда қувончли тантана кутилмоқда.



**Бузоқ (21 апрель — 20 май)** — Ҳафта бошида арзимас муаммолардан асабийлашасиз. Тадбиркорлик бўйича ҳамкорларингиз таклифи сизни ўйлантириб қўяди. Ўйлаган режаларингизни чуқур таҳлил қилишингиз керак.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** — Сешанба куни ишхонадаги раҳбарларингиз кўзидан нарироқ юринг. Ишбилармонлигингиз, ақлу заковатингиз сизга омад келтиради. Яхши хабарлар эшитасиз.



**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)** — Маблағингизни қанча ўйлаб сарфламанг, барибир харажатларингиз ошгандан ошади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса қўлингизга кутилмаганда пул тушиши эҳтимол.



**Арслон (23 июль — 23 август)** — Ушбу ҳафта оилангизда ва ишхонангизда кайфиятингизни кўтарадиган янгилик ва хушхабар эшитасиз. Якшанбада дам олишни ўйланг. Соғлиғингиз безовта қилиши эҳтимол.



**Паризод (24 август — 23 сентябрь)** — Оилангиздаги келишмовчилик сизнинг бир оғиз сўзингиз билан тинчгина ҳал бўлади. Уйингизга кутилмаган азиз меҳмон келиши мумкин. Ишдаги ҳамкорларингиз таклифига шошқалоқлик билан жавоб берманг.



**Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь)** — Ҳафтанинг биринчи ярмида ўзингизга ортиқча баҳо берманг. Мақтанчоқлик, кибру ҳаводан йироқ бўлинг. Камтарлик, меҳнатсеварлик билан ўз мақсадингизга эришасиз.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Бу ҳафта охирига етказолмай қолган ишларингизни ниҳоясига етказишингиз керак. Акс ҳолда раҳбарларингиздан танбеҳ эшитасиз. Бу келгусидаги ишингизга салбий таъсир этиши мумкин.



**Ўқотар (23 ноябрь — 23 декабрь)** — Қатъиятсизлигингиз, рашкчи эканлигингиз туфайли оилангизда бироз келишмовчилик юзага келиши мумкин. Ўзингизни тутиб, босиқлик билан вазиятни юмшатишга уриннинг. Фарзандларингиз билан хушмуомалада бўлинг.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)** — Севги, муҳаббат бобида омадингиз келиши сезилмоқда. Ўзингиз кутган одам билан учрашасиз. Фақат ҳар бир сўзингизни ўйлаб гапиринг. Ўйламай берилган савол сизга қимматга тушиши мумкин.



**Қовға (21 январь — 19 февраль)** — Молиявий муаммоларингизни чуқур мулоҳаза қилиб иш юритсангиз, омад келаверади. Жума куни фарзандларингиз тарбияси билан жиддийроқ шуғулланинг.



**Балиқ (20 февраль — 20 март)** — Ушбу ҳафта меҳнат фаолиятингиз бироз қийин кечади. Дўстларингиз мададига суянинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишларингиз юришиб кетади. Соғлиғингизга эътибор беришни унутманг.

*Турфа олам*

## ОВҚАТДАН КЕЙИН БИР ПИЁЛА ЧОЙ

**Холестериндан қутулай десангиз овқатдан сўнг бир пиёла чой ичинг.**

Олимлар камқонлик — анемия дардига мубтало бўлмай десангиз овқатдан сўнг чой ичманг деб огоҳлантирсаларда, Финляндияда олиб борилган илмий изланишлар овқатдан кейин ичилган чой инсонни холестериндан ҳимоя қилишини кўрсатди.

Тажрибалар чой таркибида мавжуд «тоник» моддаси таом таркибидаги холестеринни кўплаб сўриб олиш қудратига эга эканини исботлаган.

## БАНАН ДАРАХТИ СОВУНИ

**Мисрда банан дарахти шохшаббаларидан совун ва бошқа ювиш, тозалаш воситалари ишлаб чиқаришга эришилди.**

Миср илмий тадқиқотлар миллий марказининг целлюлоза ва қоғоз бўлими бир гуруҳ олимлари банан дарахти шох-шаббаларидан тайёрланган қоғоз маҳсулотлари қолдиқ ва чиқиндиларидан совун ва суюқ ювиш ва тозалаш ашёлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Шу тариқа олинган совун ва ювиш, тозалаш воситалари ўзининг сифати олийлиги, таннархининг арзонлиги билан ажралиб туради.

**Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти шаҳар бошқаруви: — Бектемир —Мирobод туманлари бошланғич ташкилотлари бирлаштирилганини ва 2003 йил сентябрь ойидан бошлаб Мирobод-Бектемир туманлараро бўлими деб номланишини маълум қилади.**

*Таълим*

## КАФЕДРА ИЗЛАНИШИ АСОСИДА

**Ахборот технологияларидан таълим жараёнида кенг фойдаланишга эришилмоқда. Эндиликда бундай жараён йирик саноат корхоналари техник ходимлари учун ҳам татбиқ қилинмоқда. Буни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.**

Компания техник ходимлари билан ахборот технологиялари бўйича машғулотлар олиб бориш мақсадида алоҳида ўқув дастури тайёрланди. Тошкент Давлат авиация институтининг «Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозлари» кафедраси олимларининг бу изланиши ўқув машғулотлари самарадорлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Ҳозир ушбу йўналишда авиакомпаниянинг бир нечта техник ходими ўз билим ва малакасини оширмоқда. Айни вақтда кафедра билан компания ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ёшлар — келажагимиз*

## ТАЛАБА — ТЎГАРАК РАҲБАРИ

**Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида ижодкор талабалар кўп. Истеъдод эгаси Салима Шомансурова ҳам ўз изланишлари билан ажралиб туради.**

У ёшлигидан бадиий ижод ва зардўзлик санъати билан қизиқиб келарди. Шу сабабли ҳам олий ўқув юртининг либослар дизайни факультетига ўқишга кирди. Ҳозир иккинчи курс талабаси ҳисобланган С.Шомансурова, ўз ихтисослиги бўйича қатор ижодий изланишларни амалга оширмоқда. Айни вақтда у ўқишдан ажралган ҳолда Чилонзор тумани қўшимча таълим мажмуасида зардўзлик тўгарагига раҳбарлик қилмоқда.

Унинг "Ўзбекистон — жонажон диёр" деб номланган шеърлар тўплами ҳам босилиб чиқди. Бу китоб Зулфия номидаги республика мукофотига тақдим этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2003 йил 31 октябрдан — «Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки — 2003 йил 31 октябрдан

ЕВРО ЦИРК



**НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКИДАГИ ЕВРО ЦИРК**

Супер шоуси қуйидаги томошаларни кўрсатади:
**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР**
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида
**ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ**
Ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ каруселли айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, кучуклар
**ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР**
аттракциони
кулги қироллари
**«СЭМ»** масхарабозлар гуруҳи
Директор, бадиий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

**Томошалар:** иш кунлари соат 18.00 да; шанба ва дам олиш кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
**Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Турли хил шаклда ҳақ тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23**

**«Газ тўлдириш станцияси» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларга 2004 йилга қисилган пропан-бутан газини етказиб беришга лимитларни ажратиш учун талабномаларни бериш лозимлигини билдиради.**

**Талабномаларни топшириш муддати 2003 йилнинг 10 декабригача давом этади.**

**«ГТС» давлат унитар корхонаси маъмурияти.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 90-39-69, 90-43-63**

**Манзил: Тошкент шаҳри, З.Шамсутдинова кўчаси, 72 а.**

## «ОГ»: ҳодисалар

Инсон бу дунёга келгач, ўзидан яхши ном, солиҳ фарзандлар қолдиришни хоҳлайди ва бунга интилади. Ҳар бир кишининг ўзига яраша орзу, умид, истаклари бўлади. Лекин умиди сўнган, орзулари поймол бўлган кишилар ҳам йўқ эмас, албатта.

Ҳаётнинг синовларига чидай олмаган Баҳром уйидаги етишмовчиликларга бархам бериш ниятида пул ишлаш учун Тошкентга келади ва ўзига иш қидиради. Иш топа олмагач у ўғрилик йўлига киради. Лекин бу ҳаракати катта зиён келтиради.

Тун. Ҳамза туманидаги хонадонларнинг бирига калит танлаш йўли билан кирган Баҳром у ердан 425.000 сўмлик уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетади. Қилинган қинғир иш жазосиз қолмас экан. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида айбдор милиция ходимлари томонидан ушланди. Жиноятчи қилган ишидан жуда пушаймон, аммо энди кеч.

● Она ўз боласини яхши ният билан ўстиради, унга бор меҳрини беради. Емай едиради, киймай кийдиради. Келажакда шу болам эл-юрт равнақига ҳисса қўшсин дейди. Лекин онасининг берган сутини оқламайдиган фарзандлар ҳам йўқ эмас.

Дилором ая ўз фарзандини катта ниятлар билан, бор меҳру-мурувватини бериб вояга етказди. Лекин фарзанди онасининг берган оқ сутини оқламади. Улуғбек гиёвандлик йўлига кириб кетди. У ўз уйидаги нарсаларини бирин-кетин сота бошлади. Ота-онасининг тилла буюмларигача кўз олайтирди. Охири уйда ҳеч нарса қолмагач, Улуғбек ўғрилик йўлига кирди. Унинг биринчи режаси амалга ошди. У ён қўшниси, бир ўзи яшайдиган Нурия аянинг уйига ўғриликка тушди. Улуғбек кечқурун бўлишини интизор бўлиб кутди ва кеч киргач, ўзининг ғаразли ниятини амалга оширишга киришди. Нурия ая чироқларни ўчириб ухлади. Улуғбек девордан ошиб тушиб, Нурия аянинг тилла буюмларини ўғирлаб чиқиб кетди ва уларни марихуана гиёвандлик моддасига алмаштирди.

Улуғбекнинг кейинги режаси Миробод туманига қаратилди. У Т.Шевченко кўчасида яшовчи Б.Давроннинг уйидан «ДЭУ» видеомагнитофонини ўғирлаб кетаётганида, тезкор тергов ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида Дилдора РАҲИМОВА тайёрлади.**

# ЙЎҚЛАМА
## (Ҳажвия)

Эрталабки соат етти. Кўп қаватли уй олдидаги чорпояда беш-олти киши ўтиришибди. Сўзни Маман силлиқ бошлади.

— Демак ҳамма йиғилдиа? Ҳурматли «ҳамкасблар!» Мен жамоамизда охирги пайтда тартиб ва интизом бўшашиб кетаётганлиги ҳақида гапирмоқчиман!

Гапга Равил аралашмоқчи бўлди.

— Мен...анақа... ҳалиги... анақа...

— Э, гапирсанг шу анақангни қўшмай гапир! — чўрт кесди Жўра ака.

— Жўра ака, сиз тўғри танбеҳ бердингиз, — деди гапида давом этаркан Маман силлиқ. — Чунки танқид, бу эртанинг меваси! Ҳақиқатдан ҳам кейинги кунларда кўпчилик кечикиб келаяпти. Ҳар хил арзимас баҳоналар топишаяпти, энг зарур нарсалар вақтида олиб келинмаяпти. Ана шу нарсалар орамиздаги дўстлик ришталарининг узилишига сабаб бўлаяпти. Дўстлигимиз — бу бирлигимиз! Коллектив, яъни жамоамиз бир, ҳамда мустаҳкам бўлишлигини хоҳлайсизларми?!

Ҳамма бош силташиб рози эканликларини билдиришди.

— Шундай экан, мана сен Пўлат, кеча нега кеч қолдинг?!

Бир четда хаёл суриб ўтирган Пўлат каловланиб қолди.

— Э—э—э, ҳалиги... Хотиним...Э-э-э!!!

— Тўхта, Пўлат! — Маман силлиқ уни исканжага ола бошлади. — Ҳали санга хотининг жамоамиздан ҳам азиз бўлиб қолдими а?! Кеча кўзимиз тўрт бўлиб, ҳаммамиз сени пойладик. Ҳатто бечора Равилнинг юраги ёмон бўлиб қолди! Агарда унга бирор кор-ҳол бўлиб қолганида борми, бизлар нима деган одам бўлардик? Яхшиям Борис олиб келиб қолди. Минг раҳмат унга, жонимизга оро кирди. Бутун жамоамиз номидан унга ташаккурнома эълон қиламиз!!! Қарсаклар! Раҳмат! Хўш... энди асосий масалага ўтамиз, бугун кимнинг навбати эди?!

Ҳовлиққанича Равил гапга аралашди:

— Анақа...Жўра ака... Анақа...

— Ўтир Равил! Бўлди, ҳовлиқма! Жўра ака, олиб келдингизми?

— Ҳа, олиб келдим, — жойидан сакраб турди Жўра ака, — мана учта!!!

— Йўқ!!! — деди гапига бироз кескин тус бераркан Маман силлиқ, — бизнинг жамоага меъёр иккита, ҳаддингиздан ошманг! Халқимизда мақол бору: «Қанча олсанг кетади, бизга иккитаси етади!» Эртаниям ўйлайлик...

Томоқ қирганича Пўлат ўрнидан турди. Ҳирқироқ овоз билан гап бошлади:

— Э... Кҳм... ммenda бир... таклифф борр!!

— Хўш, нима таклиф? — деди Маман силлиқ унга бурилиб қараркан, — гапиринг!

— Э-э-э вақт бўлиб қолди-ю! — деди сабри чидамай, қалтираб ўтирган Борис.

Маман силлиқ қўли билан имлаб уни тинчлантираркан деди:

— Борис шошилиш ярамайди, масалани аниқ ҳал қилишимиз керак! Гапиринг!

— Мен, ҳурматли аҳли жамоа, — деди Пўлат, қипқизил хўроздай бўлиб ўтирган Жўра ака томон қараркан, — Жўра акани эгаллаб турган вазифасидан озод қилиб, жойини ёш кадрга бўшатиб беришини талаб қиламан! Кхм! Мана, жамоамизда ўсиб келаётган ёшларимиздан Равил бор! Нега биз, кхм! Ана шундай пайтда келажагимизни ёшларга ишониб топширмай, ўз, кхм, мансабимизга ёпишиб оламиз!?

— Бу менга ҳақорат! — Жойидан сакраб туриб кетди Жўра ака, — исбот талаб қиламан!!!

Ғала-ғовур бошланиб кетди. Ғазабланган Пўлат қўлини силтаб гапини маъқулларди:

— Санга исбот керакми а?! Э-э-э кҳм!!! Марҳамат! Ўтган куни ўзингнинг жамоа аъзоларингдан, кўзларини бақрайтириб, уриб қолдингми, уриб қолдинг!!!

Кҳм!!! Ундан олдинги куни, Равил билан Борис, кҳм, катта оламшумул муаммони ҳал қилишаётганларида, кҳм! Уларнинг кўзларини шамғалат қилиб, улушларини гумдон қилган ким! Сен! Ана шундан кейин жанжал чиқди, икки дўст юз кўрмас бўлиб кетишларига озгина қолди! Кҳм!!! Э-э-э!

Жўра ака ҳам бўш келмай, унга ташланди:

— Ўзингчи, ўзинг, кеча келмаганингда, сенинг улушингни ким берди? Мен бердим! Яхшиликни билмаган! Семичкачи хотинимдан ҳозир олиб келаман деганингча гум бўлдингу?! Энди биз ёмон бўлиб қолдикми а?! Ёшларга йўл керакми, марҳамат ана катта йўл! Қаршилик қилган номард! Мана кимлар ўтмаган жойда турибмиз!

Қизишиб кетган оғайниларни Маман силлиқ босиқлик билан жой-жойларига ўтказди.

— Тўхтанглар! Жамоамизга нифоқ солишларингга умуман йўл қўймайман! Бундан буён ҳамма ишни шахсан ўзим, қаттиқ назорат остига оламан! Таак, Жўра ака, сиз тез анаву иккитангизни Равилга беринг, ҳамма ўз улушини ташласин!

Чорпоя атрофида йиғин тезроқ тугашини интизорлик билан кутиб, қалтиллаб ўтиришган Пўлат пиён, Жўра жасорат, Равил кафел, Борис бормаглар, ёнларидан пул чиқаришиб Маман силлиққа узатишди. У ўз навбатида, икки шиша виночна тўпланган пулни тантанали равишда Равил кафелга топширди. Ёнларидан ҳар хил газак ва стаканларни чиқаришаётган шишадошлар, эндигина очилган дўконга югуриб кетаётган Равил кафел ортидан, қувонч ва умидга тўла кўзларини тикишганича кузатиб қолишди. Яна бир «ажойиб-ғаройиботларга» бой «иш» куни бошланган эди.

**Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ**

# БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## БОШҚОТИРМА

**Энига:** 2. Ҳарбийларнинг маълум тартибда тизилган мунтазам қатори. 4. Араб алифбосидаги ҳарф. 6. Мусиқадаги йўналиш тури. 13. Азиз неъмат. 15. Ҳикматдан: ... — кишининг ўзаги, одоб — унинг безаги. 17. Сув ҳолати.

**Бўйига:** 8. Бухородаги меъморий ёдгорлик. 9. Тошкентнинг қадимий номи. 10. Фасл. 11. Инсоннинг фикрлаш қобилияти.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони. 3. Кўриниши, иқлими, ҳайвонот олами жиҳатидан мутаносиб ҳудуд. 5. Сершира, нордон меваси зиравор сифатида ишлатиладиган тоғ бутаси ўсимлиги. 7. Ёритқич. 12. Австралия пойтахти. 14. Ҳаракатни узатувчи тишли ғилдирак. 16. Африкада тарқалган маймун зоти. 18. Далиллар асосида ҳали исбот қилинмаган, аммо ҳақиқатлиги эҳтимолга яқин илмий фараз.

## МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. Тошкент вилоятидаги туман — 6, 14, 15, 3.

2. Дипломатик муносабатлар, халқаро аҳвол ҳақида умум ахборот учун эълон қилинган расмий билдириш ҳужжати — 6, 3, 11, 5, 13, 16.

3. Қрим вилоятидаги порт шаҳар — 10, 8, 16, 3.

4. Жамиятдаги алоҳида бир киши — 7, 3, 4, 12.

5. Спорт майдони — 1, 2, 5, 9.

Шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммономани очқич сўзлари жавоблари асосида ҳал этинг. Бунда улардан «Равзатул-ошиқин» — «Ошиқлар боғи» асарини ёзиб қолдирган ўрта аср шоири Хуррамий меросига мансуб икки мисра ҳикмат аён бўлади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 14 ноябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига**: 2. Анд. 4. «Уфқ». 6. Ион. 15. Сак. 17. Икс. 19. Асл.

**Бўйига**: 8. Бой. 9. Руд. 12. Зол. 13. Енг.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига**: 1.Навбаҳор. 3. Мусаддас. 5. Қизилқия. 7. Метроном. 10. Ғаззолий. 11. «Истеъдод». 14. Иссиқкўл. 16. Дилафкор. 18. Галаосиё. 20. Виннипег.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар**: 1. Ширин. 2. Қулф. 3. Бўрк.

**Ҳикмат**: Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-007. Топширилди 11.45 1 3456